



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 62 (9298).

1988 йил

29 март

сешанба

Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

16 апрель
Бутуниттифок
коммунистик
шанбалиги

ТИФИЗ ГРАФИК АСОСИДА

ТОШКЕНТДАГИ «Подъёмник» заводи ишчилари коммунистик шанбалик кунни пландан ташқари битта электр кран ишлаб чиқариш мажбуриятини олдирилди. Тузиллиши жиҳатдан мураккаб бўлган ва қimmat турадиган бу крани таянган материаллардан тайёрлаш мумкин эмас.

Корхона коллективи беш йилликнинг учинчи йилида бир маромда ишламоқда. Бу ерда йил бошидан юксак сурувга билан ишламоқдалар, янги кран штабелерлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Уларга эҳтиёж жуда катта. С. Туринцев, А. Муратов ва В. Кончаков бошқарётган бригадалар ишлаб чиқаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Худди шу бригадалар 16 апрелда икки сменали нормани бажариш учун меҳнат мусобақаси ташаббускори бўлдилар. «Подъёмник» коллективини беш йиллик фондига кунлик иш ҳақининг учдан бир қисmini ўтказди.

(ЎзТАГ мухбири).

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

ТОШКЕНТ чарм-галантерея ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бутуниттифок коммунистик шанбалигида амалга оширилган ишлар режалар кўйилди. Шу кунги меҳнат байрамиде 2000 нафар ишчи ва хизматчи уюшқоқлик билан қатнашди. Улардан 1800 киши бевосита ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатиб, 132 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришди.

Бирлашма территориясида катта ҳажмда ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилди. Минг туп турли мева ва манзарали дарахт кўчати ўтказилди. 50 метр ирригация тармоқлари тозаланди.

Шанбаликдан тушган 4 минг сўмлик иш ҳақи ўн иккинчи беш йиллик фондига ўтказилди.

У. МУХАМЕДОВ.

24 март кунин Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. «Средзауголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўмир қазиб чиқариш кўпайтириш ишларида катта ҳажмда «Ангрен» разрезини реконструкция қилишдаги қўлқиликни тугатиш тадбирлари тўғрисида масала кўриб чиқилди. Бирлашма, унинг раҳбарлари ва ишлаб чиқариш бўлими ишларида катта ҳаёт ва жиндий нусонлар оқибатида республика санатини, коммунал-механик корхоналарини ва аҳолисини қаттиқ ёқилган билан таъминлашда халқ билан қўйин аҳвол вужудга келганлиги таъкидлаб ўтилди. Кейинги 3 йил ичида кўмир санати йил сайин бир миллион тоннага яқин ёқилган кам бермоқда. Тармоқнинг ривожланиши анча орқанда қолди. «Ангрен» разрезини белгиланган муддатларда реконструкция қилиб бўлинмади. Бунтур бу ерда 6,2 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилмай қолди. Шарғун шахрида маданият уйини, сабзавот омбори, новояхона, тозалаш ишоотларини лойиҳалаш ва қуриш қўйилди кетди. Ишлаб чиқаришнинг ўз вақтида қайта қуроллантириш юзасидан зарур чора-тадбирлар қўрилмапти. 57 та эскаватордан фақат тўрттаси кон ишларини олиб боришининг замонавий даражасига мувофиқ келади. Кадрларнинг кўнimsизлиги даражаси хали ҳам юқори, иш вақтининг зое ўтиши кўпайиб бормоқда. Чунончи, умуман тармоқда 1987 йилда 9,1 минг киши-кунин микдоридеги вақт зое ўтди, шу жумладан прогнурлар 929 кунини, сменалар орасидеги бекор турлиш 15,7 минг соатини ташкил этди. Ангрен разрезини ишлаб чиқариш базаси қувватларининг яримдан камроқдан фойдаланилмоқда, ҳаракат составининг издан чиқиш ҳоллари икки ҳисса кўпайди. Меҳнатини ташкил этиш ва

раббатлантиришнинг илгор усулларини кенг жорий этиш таъминланмапти. 9-шахтада ишчиларнинг атиги ярмиси, разрезда 63 фози бригада усулига жалб қилинган, ҳаётда ҳам ўйлаш тартибга солинмаган. Умуман тармоқда мақсулот таннхрининг 4,3 миллион сўм қимматлашувига йўл қўйилди. Бирлашмани 1989 йил 1 январдан бошлаб тўла ҳўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шартинда ишлашга ўтказишга тайёрлаш ҳаддан ташқари секинлик билан амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш участкаларида ҳўжалик ҳисоби принциплари жорий этилмапти. Йил бошида ҳўжалик ҳисобидаги бригадаларда ишчилар сонини барча ходимларнинг бешдан бир қисмидан ошмади.

Қабул этилган қарорда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Средзауголь» бирлашмасининг беш директори ўртоқ А. И. Левековнинг, унинг ўринбосарларининг, «Ангрен» разрезини директори ўртоқ Ю. В. Антипиннинг эътиборини тармоқнинг республика халқ ҳўжалигини ва аҳолисини кўмир билан таъминлаш соҳасидеги иш кониқарасиз эканига, ўз қарамағдиги корхона ва ташкилотлар фаолиятини қайта қуришдаги суқшашликка қаратди, улардан мавжуд камчиликларини тугатиш, технология ва меҳнат иттизоқининг мустаҳкамлаш юзасидан аниқ-равшан чоралар қўришни, КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленуми талаблари асосида бошқарувининг иттиқсий усулларига кескин бурилишни таъминлашни талаб қилди.

Президиум бирлашма зиммасига «Ангрен» разрезини реконструкция қилишдаги қўлқиликни тугатиш, кон устини очир ишлари ҳажмининг ошириш соҳасидеги ишларни жадаллаштириш, унда шу йилнинг сентябрдан йилгига 1 миллион тонна кўмир қазиб

чиқара оладиган комплекс ишга туширилишини таъминлаш, асосий диққат-эътиборини тармоқни 1989 йил 1 январдан бошлаб ҳўжалик юртишнинг янги шартинда ишлашга ўтказиш, янги техника ва илгор технологияни жорий этиш ҳажмларини ошириш, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, ишлаб чиқаришнинг моддий базасини кенгайтириш ва меҳнат коллективларини социал-иктисодий жиҳатдан ривожлантириш масалаларига қаратиш вазифасини юқлади.

Ўзбекистон ССР Госнабига 1988 йил ва келгуси йиллар учун 9-шахтани техника билан қайта қуроллантириш, «Ангрен» разрезини реконструкция қилиш учун қўшимча материал-техника ресурсларини ажратиш масалаларини кўриб чиқиш, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорт министрига кон устини очишдан қийинган жинсларни ташин ҳажмларини кескин кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш, Ўзбекистон ССР Савдо министрига ва Тошкент област ижроия комитетига қончиларга савдо хизматини ва уларнинг умумий оқовла-нишини ахшилаш масалаларини бир ой муддат ичида ҳал этиш топширилди.

«Ўзбекгеология» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига кўмир санати учун ҳам ашё базасини кенгайтириш соҳасидеги геология-разведка ишларини жадаллаштириш тақлиф этилди.

Президиум мажлисида пахтачилик машина-механизмларининг техникавий даражасини ва сифатини ошириш, пахта этиштириш ва теричи-машинасозлигининг моддий-техникавий ва лойиҳа-конструкторлик базасини мустаҳкамлаш ишларининг ҳолати муҳокама қилинди. Пахтачиликни комплекс механизациялаш учун машина ва асбоб-ускуналарнинг техникавий даражасини ошириш, янги ва модернизациялаштирилган машина

ҳамда асбоб-ускуналарни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш юзасидан белгиланган топшириқлар қоникарасиз бажарилаётганлиги қайд этилди. «Машхлопок» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (ўртоқ Р. Д. Маточев), пахта бўйича идоралараро илмий-мувофиқлаштириш маркази (ўртоқ А. Д. Глушченко), Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети (ўртоқ В. С. Колленко) шу вақтга қадар маҳкамчилик тўқиларини бартараф эта олмадилар, корхоналарнинг, илмий-лоиҳа-конструкторлик ва тажриба эксперимент базаларининг қучайгайрини янги юксак самараларни техника яратиш муаммоларини ҳал этишга жамлай олмадилар.

«Тошкент трактор заводи» бирлашмаси (ўртоқ И. Х. Мусин) 100 от кучига эга бўлган моторли, совутигич-иситигич билан таъминланган герметик кабинали, қучайтирилган трансмиссияли «Т-100 ХП» тракторини қўллаб ишлаб чиқаришнинг ташкил этишнинг бербод қилди, бунга синовлар жараёнида конструкция ва ишлаб чиқариш нўсонларини аниқлаиб қолганлиги сабаб бўлди ҳамда бирлашмада, шуниингдек Тошкент трактор заводида (ўртоқ Э. С. Борковский) «Д-240 Т» моторлари ишлаб чиқариладиган қувватларини ўз вақтида ишга тушириш таъминланмаганлиги оқибатида 100 от кучига эга бўлган «МТЗ-80ХМ» ва «МТЗ-80Х2М» тракторларини қўллаб ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш ҳам бербод бўлди. Мазкур корхоналарда қурилатган объектларини пул билан ва ресурслар билан таъминлаш масалалари ҳал этилмапти, илмий-экспериментал базани барпо этиш пайсалга солинмоқда, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш учун шариот яратилмапти, ишлаб чиқариш қувватлари суст ўзлаштирилмоқда.

Президиум «Тошкент трак-

тор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Машхлопок» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети раҳбарлари зиммасига янги ва модернизацияланган машиналарни яратиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ташкил этиш, уларнинг техникавий даражасини ва сифатини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини пахтачиликка жорий этиш ҳамда техникадан самарали фойдаланиш юзасидан белгиланган топшириқларни бажаришда йўл қўйилган қўлқиликнинг ўринини тўлдариш юзасидан конкрет чора-тадбирларни кўриш вазифасини юқлади.

Мазкур қарорнинг бажарилиши учун улар шахсан жавобгар эканлигини ҳақида огоҳлантирилди.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасига, мотор заводида, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрига, Ўзбекистон ССР Мелiorация ва сув ҳўжалиги министрига, «Гавсразрезсозостройга» 100 от кучига эга бўлган «МТЗ-80ХМ» тракторларини ва «Д-240Т» моторларини ишлаб чиқарувчи қувватларини вужудга келтириш учун объектларни қуриш ва реконструкция қилиш соҳасидеги ишлаб белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш топширилди. Пахта теричи техникасини яратиш бўйича идоралараро илмий-мувофиқлаштирувчи марказга, ВАСХНИЛ ўрта Осиё бўлимига, «Союзлапопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига, ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш институтига, ўрта Осиё кишлоқ ҳўжалиги эконо-микис илмий-тадқиқот институтига, пахта тозалаш санатини марказий илмий-тадқиқот институтига, пахтачилик машиналари давлат мақсул конструкторлик бюросига Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг талабномасига мувофиқ, тўқилган пахтани териб оладиган кўп қаторли машина яратиш соҳасидеги ишларни авж олдириб юбориш ҳамда бундай машиналарни 1992 йилда ишлаб чиқаришнинг таъминлаш, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига эса мазкур ишланмаларни ҳўжалик шартномаси асосида пул билан таъминлаш

[Давоми иккинчи бетда].

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ 30-40-ЙИЛЛАР ДАВРИДА ВА 50-ЙИЛЛАРИНИНГ БОШИДА БЎЛГАН РЕПРЕССИЯЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ МАТЕРИАЛЛАРНИ ҚЎШИМЧА ЎРГАНИШ КОМИССИЯСИДАН

Комиссия ўзининг бўлиб ўтган мажлисида 1950 йилда «Ленинград иши» деб аталган иш билан судланган Н. А. Вознесенский, А. А. Кузнецов, М. И. Родионов, П. С. Попков, Я. Ф. Капустин, П. Г. Лауэтин, И. М. Турко, Т. В. Закревская ва Ф. Е. Михеевларнинг партиявийлиги масаласини кўриб чиқиш натижалари тўғрисида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг ахборотини тинглади.

Илгари ана шу кишилар суд томонидан бутунлай оқланганликлари муносабати билан М. И. Родионов, П. Г. Лауэтин, П. С. Попков, И. М. Турко, Т. В. Закревская, Ф. Е. Михеев КПСС сафига тикланганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Н. А. Вознесенский, А. А. Кузнецов ва Я. Ф. Капустин амалда партия сафидан ўчирилмаганлиги, уларнинг партиявий ҳўжатлари улар қамоққа олиниб, ҳўқм этилгандан кейин бекор қилинганлигини ҳисобга олиб, Партия контроли комитети ўзининг 1988 йил 26 февралдаги қарори билан уларнинг КПСС аъзоси эканлигини тасдиқлади.

Комиссия СССР Олий судининг ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг «Советларга қарши трошкий ҳарбий ташкилот» қатнашчилари тўғрисидаги иш юзасидан судланган М. Н. Тухачевский, А. И. Корк, И. Э. Якир, И. П. Уборевич, В. К. Путь, Н. П. Эйдем, В. М. Примаков ва Б. М. Фельдман ва

Б. М. Фельдманни суд томонидан партиявий йўл билан оқлаш натижалари тўғрисидаги ахборотларини ҳам тинглади.

СССР Олий судининг ҳарбий коллегияси СССР Бош прокурорининг 1957 йил 31 январдаги ҳулосасига мувофиқ, СССР Олий суди мақсул суд органининг мазкур шахсларга нисбатан 1937 йил 11 июнда чиқарган ҳўқминини бекор қилди ва уларнинг ҳаракатларида жиноят состави йўқлиги учун ишни кўриб чиқишни тўхтатди. Уларнинг ҳаммаси тўла-тўқис оқланди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг 1957 йил 27 февралдаги қарори билан М. Н. Тухачевский, А. И. Корк, И. Э. Якир, И. П. Уборевич, В. К. Путь, Н. П. Эйдем, В. М. Примаков ва Б. М. Фельдман КПСС сафига тикландилар.

«Советларга қарши трошкий ҳарбий ташкилот» тўғрисидаги иш юзасидан тергов чоғида Я. Б. Гамарникка ҳам айб қўйилган эди. Кейинчалик СССР прокуратура си баъбларини асоссиз деб топди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети 1955 йил 7 октябрда Я. Б. Гамарникнинг партия аъзолигини қайта тиклади.

СССР Олий суди ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг ахборотлари маълумот учун қабул қилинди.

Комиссия ўз ишнини давом эттирмоқда.

СССР мудофаа министрининг Б У Й Р У Ғ И

1988 йил 29 март № 119 Москва шахри

БЕЛГИЛАНГАН ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ
МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ҲАРБИЙ
ХИЗМАТЧИЛАРНИ 1988 ЙИЛ АПРЕЛЬ-ИЮНЬ
ОЙЛАРИДА СССР ҚУРОЛЛИ КҮЧЛАРИ
САФЛАРИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИШ ВА
ГРАЖДАНЛАРНИ ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА
ҲАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«СССРнинг умумий ҳарбий мабурулати тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ БУЮРАМАН:

1. Белгиланган ҳақиқий ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 1988 йилнинг апрель-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, Чегара ва ички қўшинлар сафларидан запасга бўшатилсин.

2. Ушбу буйруқнинг 1-бандига мувофиқ ҳарбий хизматчиларнинг запасга бўшатилиши муносабати билан қақирқ кўнигача 18 ёшга

тўладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга қақирқ муддатини кечиктириш ҳўқуқига эга бўлмаган эришқ граждандар, шунингдек қақирқини кечиктириш ҳўқуқини йўқотган хизматга қақирқувчи катта ёшдаги граждандар шу йил апрель-июнь ойларида Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, Чегара ва ички қўшинларга ҳақиқий ҳарбий хизматга қақирқилсин.

3. Буйруқ барча роталар, батареалар, эскадрильялар ва кемаларда эълон қилинсин.

СССР мудофаа министри армия генерали Д. ЯЗОВ.

Запасдаги ёш жангчиларнинг область слёти

Привет участникам I областного слёта молодых воинов запаса!



СУРАТЛАРДА: слёт иштирокчилари.

ЯГОНА ТАШКИЛОТГА БИРЛАШДИЛАР

Чирчиқда уч кун давомида запасдаги ёш жангчиларнинг биринчи область слёти бўлиб ўтди. Слётда областини шаҳар ва районларидаги запасдаги жангчилар Советларнинг юздан ашё делегати иштирок этди. Слёт қийинчилиги мамлакатимиз Қуроли Кучларида муқаддас бурчларини шараф билан ўтаб қайтган ёшларнинг ўзинга хос ҳисоботи бўлиб, ўсирилари армия

хизматига тайёрлаш иши билан қўшилиб кетди. Слётда ёшлар ҳаракатидаги муаммолар бўйича баҳс ва мунозаралар секцияси иш олиб борди. Запасдаги жангчиларнинг область Совети ташкил этилди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик, интернационализм, ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан тарбиялаш фаолиятидаги истиқболлари белгиланди.

Делегатлар Афғонистонда интернационал бурчини ўташ даврида ҳалок бўлган, Қуроли Кучлар йилномасига зарҳал саҳифа қўшганлар хотирасини абадийлаштириш масалаларига катта эътибор бердилар.

Слётнинг Тошкент область комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов оиди. У аини кунда мамлакатимиз мураккаб вазифаларидан ҳи-

тобланган социалистик жамиятни янгилаш вазифасини ҳал этиётганлиги, бу борада ёш авлод ҳамда запасдаги ёш жангчиларга уларнинг умидлар билан қаралаётганлигини таъкидлади. Чунки область партия ташкилоти уларда қайта қуриш ишига катта ҳисса қўиш қудратига эга бўлган реал кучларни кўрмоқда. Афғонистонда совет қисмларининг чекланган контингенти сос-

тавида жанговар тажриба орттирган ёшларимиз ўз ташаббуслари билан ўсири ва ёшларнинг бошланғич ҳарбий тайёргарлиги ҳисса қўишлар. Бундан ташқари мазкур клубларда тарбияси оғир ўсири ва ёшлар билан ҳам жиддий ишлар олиб боришмоқда. Запасдаги жангчиларнинг бошланган бу ишлари ўсириллар тарбияси

(Давоми 4-бетда).

ХАЛҚ ХОТИРАСИДА МАНГУ ҚОЛАДИЛАР

ЎТГАН яшанба кунин Ўзбекистонда анъанавий Хотира кунин ўтказилди. Республика шаҳар ва кишлоқларнинг меҳнаткашлари-ветеранлар ва ёшлар қариндош-уруғлари ва ёр-бирдорлари хотирасига, кўп миллатли Ватанимизнинг Совет ҳокимиятини ўрнаттиш ва мустаҳкамлаш учун мардона курашган, дастлабки беш йилликлар даврида қаҳрамонона меҳнат намуналарини кўрсатган, Улуғ Ватан урушини фронтларида Ватан озодлиги ва мустақиллигини қўлда қурол билан ҳимоя қилган, зарбдорларча ишлаб, Советлар мамлакатининг шон-шўҳратини ва қудратини оширган муносиб ўил ва қизлари хотирасига ҳуқур ҳурмат бажо келтирилди.

Шу кунин ёдгорликлар ёнида комсомол ва пионерлар фахрий қоровулда турдилар, мотам кўйилари янгради. Кўп кишилик митинглар бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари ҳаётдан қў юмган ота-оналари, қариндош-уруғлари, дўстлари хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эста олдилар. Қаҳрамон комсомол ёдгорлиги пойига ўнлаб гулдасталар қўйилди.

Афғонистон революциясининг душманларига қарши жангларда ҳалок бўлган ўртоқлар хотирасини муқаддас ёдга эволазлаш — бизнинг бурчимиз, — деди Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Хўшнуд Ахромов митингда сўзлаган нутқида. Нотиқнинг ўзи совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган қисмларини составида хизмат қилган. Жанглардан бирини Хўшнуд полкдошлари билан биргаликда Афғонистон халқ милицияси — «Царандой»нинг оғир яраланган тўрт жангчисини мина қўйилган майдондан олиб чиққан. Қонга беланган афғон йигитлари шошилинч операция қилишни зарур бўлган. Хўшнуд уларни қўйма госпиталга элтди қўйган, афғон йигитларига ўзидан бевосита қон қўйиллишига ҳеч иккиламмай рози бўлган. Ўзининг бу оли-



жаноб иши учун у Афғонистон Демократик Ёшлар ташкилотининг олий мукофоти — «Жанговар хизматлари учун» нишонига сазовор бўлган.

Митингда сўзга чиққан Улуғ Ватан урушининг ветерани А. Р. Хўжаев совет халқи авлодларининг қақирқ бағчисига боғлиқлиги, уларнинг эҳти ёш анъаналари бўзилган ахлоқий қадриятларни ўз ичига олган запасдаги ёш жангчиларнинг ҳис-туғиуларини ветеранларга аниқ ва тўғридан тўғри уларнинг қўли билан майдонга интернационалист совет жангчилари ёдгорлиги қурилишига мабла тўплашда фаол қатнашдилар.

Озодлик ва адолат иши учун ўз жонларини қурбон қилган қаҳрамон комсомоллар хотирасига тўпалардан бир йўла уч марта ўқ узилди. Митинг охирида Ленин комсомолы бонига интернационалист жангчилар номи майдон барпо этилди. Митинг қатнашчилари бу ерда 200 тупдан кўп чинор қўчати ўтказдилар.

